



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 30 январь, № 23 (4686)

Жума

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪЗОЗ УЙҒУНЛАШГАН ЮРТ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, унинг кадр-қимматини янада юксалтиришга қаратилгандир.

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қаторида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида ижтимоий муҳофаза тизимини такомиллаштириш ва фуқароларнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга эришилди. Айниқса, манзилли ижтимоий муҳофазанинг жорий этилганлиги ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни, бир сўз билан айтганда, халқимизни мамнун этмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шукрона

Инсон улғайгани сайин босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилишга мойилроқ бўлиб борар экан. Эҳ-ҳе, биз тенги авлод не-не машаққатларни бошдан кечирмади, дейсиз. Шўролар замони, кетма-кет қатагонлар, Иккинчи жаҳон уруши, яна қанчадан-қанча синовлар. У кунлар ёмон туш каби ортда қолди, ортда қолгани рост бўлсин! Ниҳоят, Истиқлол қўши порлаб, Юртбошимизнинг одил сиёсати ва чексиз ғамхўрликлари туфайли елкамизга офтоб теги. Бугун ватандошларимиз орзу қилганимиздан ҳам юксак ғамхўрлик тафтидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Истиқлол йилларида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, уларнинг барчасини бир зумда баён этишнинг имкони йўқ. Биргина ижтимоий муҳофаза соҳасида қўлга киритилган натижаларнинг ўзи юз йилликларга татийди. Ростини айтганда, биз — кекса авлод бундай ғамхўрликни орзу ҳам қилмаган эдик. Бугун халқимизга, шу жумладан, кексалар-

га кўрсатилаётган иззат-эътибор ва ғамхўрлик орзуимиздагидан ҳам зиёда... Қардаки раҳбар одил, сиёсат адолатли ва элпарвар бўлса, эл-улусга ғамхўрликлар кўрсатилади, муҳтож ва боқувчисини йўқотганларнинг ҳолидан хабар олинади, улар-

нинг дардига дармон топилади. Бир донишманддан "Дунёда хайрли ишлар кўп, энг хайрлиси қайси бири?" деб сўрашибди. У ҳеч иккиланмасдан "Ночор, ногирон ва етимларга силлаи раҳим, яъни ғамхўрлик қилиш", деб жавоб берган экан. Бу ривоят замирида халқимиз та-

биатида хос қадриятлар, аъналар мавжудлиги кўндек равшан. Қолаверса, мазкур ривоят мазмуни "Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун" тамойилига уйғун эканлигини бир қарашдаёқ илғаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қизилтепада қизилтепа туманида хорик технологиялари асосида ишлаётган корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Қизилтепада янги корхоналар

Зарметан кўрғонида "Зарметан сут" кичик корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда ҳар кун бир тонна сут қайта ишланиб, ўнга яқин маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шунингдек, Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғинида "Янги ҳаёт" фермер хўжалиги ўз маблағи ҳисобидан 87 минг АҚШ долларига хориждан кунига бир тонна қолбаса ишлаб чиқариш қувватига эга технологияларни олиб келди. Айни пайтда уларни ўрнатиш ишлари олиб борилаётган. Тез орада фермер ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлайди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг "Тоза сув" лойиҳаси доирасида Қанлиқўл туманида беш километрлик ичимлик суви тармоғи ишга туширилди.

"Тоза сув" лойиҳаси — амалда

20 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу хайрли иш туфайли тумандаги Наврўз ва Қанлиқўл шаҳарчалари аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўқон шаҳридаги "Хурлик" маҳалласида ташкил этилган Ёшлар маркази ҳудуднинг 7 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ва ўсмирларини ўз бағрига қорлади.

"Хурлик"нинг ёшлар маркази

2-мактаб ҳудудидаги Ёшлар ижтимоий хизмат маркази шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Энди маҳалла ёшлари бу марказда тикувчилик, дуррадорлик касблари сирларини ўрганадилар. Бундан ташқари, хорик тилларидан сабоқ олиш билан бирга, спортнинг бир қатор турлари билан ҳам шуғулланиладилар. Шунингдек, бу ерда ёшлар ҳаёти, турмуши, қизиқишлари билан боғлиқ тадбирлар ҳам ўтказиб туриш кўзда тутилмоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Андижонда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши ҳисобига янги қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши, саноат тармоқларининг янги техника ва технологиялар билан жиҳозланиши вилоят бўйича ўтган йили 816,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш имконини берди.

Саноат одими

Хусусан, ҳудудий корхоналар томонидан 10,5 миллион АҚШ долларига тенг, енгил саноат корхоналари томонидан эса 32 миллион долларлик маҳсулот хорижликларга етказиб берилиб, бу борада аввалги йилдагига нисбатан 140 фоиз ўсишга эришилди.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, сервис хизмати турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 700 дан ортиқ янги шохобчаларнинг ишга туширилиши фикримиз далилидир.

Эришилган ютуқлар жорий йилда бундан-да мустаҳкамланади. Айни пайтда вилоятда яна 7 та йирик корхона ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИСР МАТБУОТИ ЎЗБЕКISTON ҲАҚИДА

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ва қўлай сармоявий муҳитга чет эл ишбилармон доиралари ва оммавий ахборот воситаларининг эътибори тобора ортиб бормоқда.

Яқинда Қоҳирада нашр этиладиган "ал-Мисра" газетасида "Ўзбекистонда ёшлар учун савдо ва саноат соҳасида яратилган имкониятлар" деб номланган мақола эълон қилинди. Унда мамлакатимизнинг Қоҳирадаги элчихонасида бўлиб ўтган, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими тафсилотлари билан бирга, юртимизда хорижий тадбиркорларнинг фаолият юритиши учун яратилган шароитлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонга сармоя киритиш ва савдо-икти-

содий алоқаларни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг март ойида бир гуруҳ мисрлик ёш тадбиркорларнинг мамлакатимизга сафари амалга оширилиши режалаштирилган ҳақида маълумот берилган.

"Савт Эмбаба" ("Эмбаба овози") газетасида эса "Ўзбекистон — сармоя киритиш учун энг қўлай мамлакат: Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция муҳити Миср ва халқаро талабларга мос" ҳамда

"Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Баҳромжон Ёлбоев ушбу мамлакат президенти Никола Саркозига ишонч ёрликларини топширди.

Ишонч ёрликлари топширилди

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Н. Саркози сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболларини ижобий баҳолади.

Франция президенти унинг мамлакати икки давлат халқлари манфаатлари йўлида Ўзбекистон билан Франция ўртасида самарали ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш билдиришини алоҳида таъкидлади.

«Жаҳон» АА, Қоҳира

«Жаҳон» АА.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

намунали фаолиятлари учун рағбатлантирилди

Бунда, айниқса, осойишталикни сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишда жойларда ташкил этилган ҳудудий милиция таянч пунктларининг фаолияти диққатга сазовор.

Истиқлол йилларидаги ислохотлар натижасида профилактика инспекторларининг замон талабларига мос тарзда жиҳозланган, барча алоқа ва техник воситаларга эга хизмат хоналари билан таъминлангани, қолаверса, милиция таянч пунктларининг маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан бир ўринда ёки ёнма-ён жойлашиши осойишталик тадбирларини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлаётгани. Шунингдек, нафақат содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки турли тарғибот-тушунтириш тадбирлари ёрдамида бундай ноҳуш ҳолатларга бутунлай чек қўйиш имконияти юзга келди. Бу борада фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари ҳамда маҳалла посбонлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши зарур.

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Милиция таянч пунктлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ва соврин-

дорларини тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар томонидан ҳам шундай эътирофлар тилга олинди. Таъкидлаш жоизки, милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳам-ижтимоий фаолият юритишини таъминлаш, амалий ишларни намунали тарзда йўлга қўйган, ҳар жиҳатдан қўлай ва тўлиқ инфратузилмага эга милиция таянч пунктларини аниқлаш ҳамда уларнинг илгор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда таянч пункт биноларининг маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан бир ўринда ёки ёнма-ён жойлашиши осойишталик тадбирларини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлаётгани. Шунингдек, нафақат содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки турли тарғибот-тушунтириш тадбирлари ёрдамида бундай ноҳуш ҳолатларга бутунлай чек қўйиш имконияти юзга келди. Бу борада фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари ҳамда маҳалла посбонлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши зарур.

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Милиция таянч пунктлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ва соврин-

дорларини тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар томонидан ҳам шундай эътирофлар тилга олинди. Таъкидлаш жоизки, милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳам-ижтимоий фаолият юритишини таъминлаш, амалий ишларни намунали тарзда йўлга қўйган, ҳар жиҳатдан қўлай ва тўлиқ инфратузилмага эга милиция таянч пунктларини аниқлаш ҳамда уларнинг илгор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда таянч пункт биноларининг маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан бир ўринда ёки ёнма-ён жойлашиши осойишталик тадбирларини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлаётгани. Шунингдек, нафақат содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки турли тарғибот-тушунтириш тадбирлари ёрдамида бундай ноҳуш ҳолатларга бутунлай чек қўйиш имконияти юзга келди. Бу борада фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари ҳамда маҳалла посбонлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши зарур.

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Милиция таянч пунктлари" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ва соврин-

дорларини тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар томонидан ҳам шундай эътирофлар тилга олинди. Таъкидлаш жоизки, милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳам-ижтимоий фаолият юритишини таъминлаш, амалий ишларни намунали тарзда йўлга қўйган, ҳар жиҳатдан қўлай ва тўлиқ инфратузилмага эга милиция таянч пунктларини аниқлаш ҳамда уларнинг илгор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда таянч пункт биноларининг маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан бир ўринда ёки ёнма-ён жойлашиши осойишталик тадбирларини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлаётгани. Шунингдек, нафақат содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки турли тарғибот-тушунтириш тадбирлари ёрдамида бундай ноҳуш ҳолатларга бутунлай чек қўйиш имконияти юзга келди. Бу борада фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари ҳамда маҳалла посбонлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши зарур.

(Давоми 2-бетда).

ОҚРАБОТНИНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИСИ

ёхуд бургут уясидаги паровоз

Қашқа воҳаси ва Сурхондарё ўртасидаги баланд тоғ дараси "Чак-чак" довоми деб аталади. Ана шу дара бўйлаб қадим-қадимдан қарвон йўли ўтган. Бундан етмиш-саксон йиллар аввал эса ушбу йўналишда автомобиль йўли қурилган.

Буни қарангки, янги аср бошида ҳар икки воҳани энг яқин йўл билан боғлаган темир йўли ҳам шу жойдан ўтказишга тўғри келди. Бугун бу ерда денгиз сатҳидан бир ярим метр баланддаги "Оқработ" станцияси, темир

йўлчиларнинг кўш қаватли уйлари қад кўтариб турибди. Айтишларича, Деҳқонободу Бойсун тарафдан тортиб келинган пўлат излар нақд икки метр юксакдаги қояларни минг машаққат билан портлатиш, йўлни олиб ташлаш орқали туташтирилган. Шунинг учун ҳам "Оқработ"нинг кунгай тарафидаги баланд тоғ тепасида бир паровоз қоядаги бургутдай атрофга виқор солиб турибди. У — халқимиз буюк бунёдкорлик ишларининг тимсоли.

Ифтихор

(Давоми 2-бетда).



ЖАҲОН

24 соат ичида

Астероид учиб ўтди

Ўтган яшанба куни Ер шарига 700 минг километр яқин бўлган масофадан астероид учиб ўтган.



«NASA»нинг келтиришича, у яқинда кашф этилган «2009 BD» астероиди бўлиб, ҳажми 10 метрдан ошмайди. Мазкур само жисми сайёрамизга айтарли хавф солмаслиги ва яқин вақт ичида яна яқинлашади баён қилинган.

Олимлар бунга «2009 BD»га ўхшаш тўртта астероидни аниқлашган. Улар ҳам доимо Ер атрофида учиб юради.

Ноҳуш статистика

«CNN» телеканалнинг маълум қилишича, АҚШда сўнгги бир йил ичида ҳарбийлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолати ошмоқда.



Бу ҳақда АҚШ Куролли кучлари томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтирилган. Унга кўра, ўтган йили 128 та ана шундай ҳодиса кузатишган. Бу эса кейинги

йигирма саккиз йил давомидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Манбада ҳарбийлар ўртасида бундай аянчли ҳолат нега кўпайиб кетгани ҳақида изоҳ берилмаган.

Мажбурий қарор

«Boeing» авиакосмик корпорацияси жорий йилда ўз ходимлари сонини олти фоизга қисқартиришга қарор қилди.



Бу — корпорацияда фаолият кўрсатаётган 10 минг ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади, деганидир.

Директор Жим Макнернинг изоҳлашича, «Boeing» ўтган йил сўнгги чорагида 56 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар кўрган боис шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлиди.

Эслайти ўтаёмиз, корпорация аввалроқ ишчилари сонини 4,5 мингга камайтиришни режалаштирганди.

Иш ўринлари яратилади

Буюк Британиядаги «Asda» супермаркетлар тармоғи 7000 та янги иш ўрни ташкил этишни маълум қилди.

Тармоқ ижрочи директори Энди Боннинг сўзларига кўра, мазкур иш жойлари янги ташкил этиладиган 14 та дўкон ва айни пайтда фаолият кўрсатаётган 15 та супермаркетда жорий этилади. Бундан ташқари, «Asda» 3000 та бўш ўринга ҳам ходимлар жалб қилишни режалаштирган.



Даромаднинг чўғи паст

Япониянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Сапон» корхонасининг даромади кескин тушиб кетди, дея хабар тарқатди «ВВС».

Ҳисоб-китобларга қараганда, 2008 йилнинг тўрттинчи чорағига келиб, «Сапон» даромади 90 фоизга камайган. Натижада корхона аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 11,62 миллиард иена (130 миллион АҚШ доллари) йўқотган.

Умуман, яқунланган йилда «Сапон» даромади 309,15 миллиард иенга қисқариб кетган.

Марадона мадад бермоқчи



Аргентина терма жамоаси бош мураббийи Диего Марадона яқинда Венесуэлада бўлиб ўтаётган референдумда амалдаги президент Уго Чавесга ёрдам бермоқчи, дейилади «Reuters» ахборотида.

Шу муносабат билан ташкил этилган митингга Венесуэла раҳбари афсонавий футболчи билан бирга омма олдига чиққан. Улар кийиб олган

футболкаларда эса «Ха» деган шпор ларда кўйилган.

Референдум жорий йилнинг 15 февраль куни ўтказилади.

Маълумотларни яширганлиги учун

«American International Group Inc» (AIG) сўғурта компаниясининг собиқ директори Кристиан Милтон маълумотларни яшириб келганлигида айбланиб, тўрт йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

«The Wall Street Journal» нашрининг ёзишича, собиқ раҳбар компаниянинг молиявий ҳолати ҳақидаги маълумотларни инвесторлардан сир тутиб келган ва уларнинг катта миқдорда зарар кўришига сабабчи бўлган. «AIG» эса инқироз ёқасига келиб қолган ва ҳукуматдан катта миқдорда кредит олган.

Аслида федерал қонунчиликка кўра, Кристиан Милтонга йигирма йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси берилиши тахмин қилинган.


Қиш синовлари

АҚШнинг марказий ҳудудларида кузатилаётган кучли қор бўронлари аҳолига кўп қўлайликларни келтириб чиқармоқда.



Табиатнинг бу инжиқлиги 19 қишнинг умрига зомин бўлган. Совуқдан, асосан, Техас, Арканзас, Виржиния, Миссури, Оклахома ва Индиана штатларида истискомат қилдиётганлар азият чекмоқдалар. Арканзас, Кентукки ва Оклахома штатларида бир неча минг аҳоли электр таъминотида узилиб қолган. Ноқулай об-ҳаво туфайли ана шу ҳудудлардаги мактабларда ўқиш вақтинча тўхталган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Банкларнинг барқарор фаолият юритиши бевосита аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг уларга бўлган ишончига боғлиқ. Бунга эришиш учун ҳар бир банк ривожланган инфратузилмага эга бўлиши, миқозларга хавфсиз хизмат кўрсатишини таъминлай олиши, тақдим этилаётган хизматлар сифати ва кўлами бўйича замонавий талабларга жавоб бериши, янги интерактив хизматлар ва электрон ҳисоб-китоб турларини мунтазам жорий этиб бориши лозим.

Пластик карточка:

Тўловнинг қулай, тезкор усули

Бугунги кунда республикамиз аҳолисига ана шу талаблар асосида қулай, тезкор ва қафолатли хизмат кўрсатиб келаётган молиявий муассасалардан бири — бу Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки. Хусусан, ушбу банкнинг пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш сифати ва салмоғи кўлами тобора кенгайиб бораётганлиги натижада аҳолига бу борада қўлаб қўлайликлар яратилаёти.

Савдо-сотик жараёнини пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш тизимидаги хизматнинг энг замонавий кўринишларидан саналади. Зеро, ҳисоб-китобнинг қулайлиги, нақд пул айланиши қисқариши ва хизмат кўрсатишга оид харажатлар камайиши, пул маблағларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш хавфсизлиги таъминланганлиги тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларнинг ҳаётий зарурат эканлигини аниқлатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Миллий банк республикамизда сўм ва халқаро пластик карточкаларнинг энг катта эмитенти ҳисобланади. Бунинг ўтган йилнинг ўзига банкнинг 180 мингта пластик карточкани муомалага чиқарганлиги ва уларнинг жами сони 1 319 мингтага етганлиги ҳам таъкидланади. Умуман олганда, банк томонидан чиқарилган пластик карточкалар орқали бир йил ичида 210 миллиард сўмликдан кўпроқ операциялар бажарилиб, бу борада олдинги йилдагига нисбатан икки баробар ўсишга эришилди. Шунингдек, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилувчи савдо ва сервис нуқталаридаги пул айланиши ҳам икки баробардан зиёд-роқ ошди, 150 миллиард сўмга етди.

Банкнинг бундай тадбирларини муваффақиятли юритишида, табиийки, турли ташкилотлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда иш ҳақи лойиҳаларини жорий этишда пластик карточкалардан фойдаланаётгани кўп келаётди. Жумладан, Миллий банк ушбу лойиҳалар доирасида 381,6 мингта пластик карточка чиқарган ҳолда, мижозларнинг махсус сўм карточка ҳисобвақраларига 227,4 миллиард сўм ўтказгани шундан далолат беради.

Кўзатишлардан кўринадики, кейинги пайтларда пластик карточкалар билан муомала қилиш жараёни кичик-кичик дўконларда ҳам фаоллашган.

Бундан ташқари, банк мутахассислари самарасиз фойдаланилаётган ус-қуналар миқдорини камайтириш мақсадида ҳар бир терминал орқали ўтаётган савдо айланмаларини доимий мониторинг қилиб, бундай терминалларни қайтариб олдилар ва миқоз-

ши туфайли ихтисослаштирилган касса ва мини банклар тармоғи ҳам кенгайиб бораётди. Уларда корпоратив миқозларга ҳисоб-китоб, жисмоний шахсларга омонатлар очиб ва омонатларни бериш, улардан коммунал ва бошқа тўловларни айнан пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда қабул қилиш ишлари фаол йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Хозирги кунда Миллий банк тизимида ана шундай хизматларни бажарувчи 104 та ихтисослаштирилган касса ҳамда 82 та мини банк мунтазам ишлаб турибди. Ушбу кассаларнинг 32 таси пойтахтимизда жойлашган бўлса, қолгани вилоятларда фаолият юритмоқда. Ўтган йил тақдирлари бу борада ҳам юқори натижага эришилганлигини кўрсатмоқда. Яъни 2008 йилда Миллий банкнинг махсус кассалари ҳамда мини банкларидан қабул қилинган коммунал тўловлар суммаси 678 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур тўловларнинг 6,8 миллиард сўми пластик карточкалар орқали амалга оширилгани қувонарлиқдир.

Банк ушбу йўналишда яна бир янгиликка қўл урди — пластик карточка эгаларига иш ҳақи лойиҳалари доирасида «кредит овердрафт» карточкаларини чиқарди. Унинг афзаллиги шундаки, бундай пластик карточка соҳиб-банидан қарз олиш имкониятига эга бўлади. Ундан фойдаланиш тўғрисида кредит схемаси кўринишида тақлиф этилмоқда. Қўлаверса, бу схемалар аҳолининг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконини ҳам беради. Шу боис ўтган йили банк томонидан 3 мингдан ортиқ «кредит овердрафт» карточкалари муомалага чиқарилиб, улар бўйича 6,2 миллиард сўмликдан зиёд-роқ кредитлар берилди.



Айниқса, Миллий банк бўлтур биринчи бўлиб сўм пластик карточкалар бўйича янги «DUET Online» хизмати-ни жорий этганлиги миқозларга яна-

да қулайлик яратди. Бу хизматдан фойдаланувчилар ушбу офисидидаги шахсий компьютерлардан Интернет орқали пластик карточкасидаги ҳисобвақраларини кўриш имконига эга бўдилар. Бундай ишлар фақат пойтахтимизда эмас, балки вилоятларда ҳам амалга оширилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Жумладан, пластик карточкалар муомаласи бўйича тасдиқланган минтақавий дастурни бажариш мақсадида Миллий банк муассасаларида карточка тизими янги услубга ўтказилди. Ушбу тадбир барча йирик корхоналар ҳудудида гуруҳли, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш марказларини жорий этишга шароит туғдирди. Натижада ўтган йилнинг иккинчи ярмида эмиссия кўрсаткичлари 4 баробар ошди.

Жорий йилда ҳам Миллий банк пластик карточкалар тизимини янада яхшилаш, улар орқали амалга оширилаётган ишлари жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, миқозлар учун янги хизматларни тақдим қилишни режалаштирган. Хусусан, «Visa» хомийлигида «EMV» спецификациясига мансуб чипли карточкаларни муомалага чиқариш, банкноматлар сонини кўпайтириш баробарида мулкка янги — инфоқосларни фойдаланишга киритиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, банк жамоаси томонидан пластик карточкаларни шаҳар йўловчи транспортларининг баҳар турларига йўл кира ҳақини тўлаш, ҳисобвақраларни масофадан туриб бошқариш (мобил банкнинг, Интернет банкнинг) хизматларини қўлаш устида ишла-нишлар олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, пластик карточка орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ишлари тезкор ва оддийлиги билан ажралиб туради. Электрон ҳисоб-китоблар тизими ривожланишидаги ижобий ўсишлар нақд пулсиз тўлов жараёнининг асосий воситаси — пластик карточкаларнинг нечоғли аҳамиятга молик эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Людмила БОДЯГИНА, Миллий банкнинг пул муомаласи бўл бошқармаси бошлиғи.



ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ, очиқ тендер эълон қилади.



«GRAND MIR» МЧЖ ЎЗБЕК-ТУРК ҚўШМА КОРХОНАСИНИНГ 35% УЛУШИНИ СОТИШ БЎЙИЧА («Grand Mir» мехмонхонаси)

«GRAND MIR» МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасининг 35% улушидан иборат улуши сотувага қўйилади. Улушнинг бошланғич баҳоси 7 808 500 (етти миллион саккиз юз саккиз минг беш юз) АҚШ доллари, инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар 2 800 000 (икки миллион саккиз юз минг) АҚШ долларида кам бўлмаган миқдорни ташкил этади. «GRAND MIR» МЧЖ қўшма корхонасининг 35% улушига энг юқори нархли тақлиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажминини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчисини устуңликка эга бўлади.

«IPAK YO'LI-TURIZM INVEST» МЧЖ ЎЗБЕК-ТУРК ҚўШМА КОРХОНАСИНИНГ 39% УЛУШИНИ СОТИШ БЎЙИЧА («Dedeman Silk Road Tashkent» мехмонхонаси)

«GRAND MIR» МЧЖ Қўшма корхонасининг 35% улушига энг юқори нархли тақлиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажминини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчисини устуңликка эга бўлади.

«IPAK YO'LI-TURIZM INVEST» МЧЖ Қўшма корхонасининг 39% улушига энг юқори нархли тақлиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажминини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчисини устуңликка эга бўлади.

«IPAK YO'LI-TURIZM INVEST» МЧЖ Қўшма корхонасининг 39% улушига энг юқори нархли тақлиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажминини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчисини устуңликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истагидидаги сармоядорлар ўз аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзоланган ҳолатда тендер иштирокчиларига тақдим қилинади.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қондалари ва тендер тақлифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганда қўйилган Яққа хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нуسخаси тақдим этилганда сўнг олинши мумкин.

Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамига 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ўтказиш лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001; - ҳисоб рақами 2020300060000289001 ОПЕРУАКБ «Ипак йўли», ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди INIPU222.

Тендер тақлифларини қабул қилиш мuddати 2009 йил 24 март куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер тақлифларини очиб 2009 йил 24 март куни Тошкент вақти билан 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залыда (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер тақлифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер тақлифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишни истаганда сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи: Яққа хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шoҳқўчаси, 55-уй, 6-қават. Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжонов эътиборига. Телефон: +998 (71) 259-22-51. Факс: 998 (71) 259-22-73. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинар ана шу масалага бағишланди. Унда лизинг, суғурта, хорижий технологиялар, банк, кредит линияларини жалб қилиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда мўҳим дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мамлакатимизда соҳани тубдан ислох қилиш мақсадида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароит яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принци-

пини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олишда мўҳим омил бўлмоқда, — дейди Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи Фарҳод Тошметов. — Бугунги семинарда тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада хорижий сармоялар ва замонавий технологияларни кенг-роқ жалб қилиш, кредит ва лизинг тизимини янада такомиллаштириш хусусида ҳам тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— Семинарда биз ҳам ўз тақлифларимиз билан иштирок этмоқдамиз, — дейди Россиянинг «Восход» фирмаси вакили Марина Бондарь. — Вилоят тадбиркор ва ишбилармонлари эътибордан нон пишириш ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш усқуналарини тақдим этдик.

Л. СУВОНОВ, ўЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМГАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 январдаги «Умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини таъмирлашнинг 2009 йилги дастури тўғрисида»ги 18-сонли қароридан келтирилган умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш бўйича саралаш танловини эълон қилади.

Маълумки, инсон камолоти ва билимининг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш, чиройли сўзлаш ҳисобланади...

«СЎЗНИ ЖАҲОН БАҲРИДА ДУРДОНА БИЛ...»

Қадимги ривоятларда айтилишича, инсон ўз тазулиши хосияти билан ҳайвонлардан афзал бўлган. Сабаби, унга икки қулук, бир оғиз ҳада...

Тафаккур бўстони

Алишер Навоий таъкидлайди: Динаву дур сўзи арсона бил, Сўзи жаҳон баҳрида дурдона бил...

Утган замонар олимۇ фузалорларидан қолган ҳикоятларнинг бирида баён этилишича, шаҳаншоҳ Баҳромгўр бир даракнинг остида ўтирган эди...

Агар Навоий таъкидлади, ҳар бир донга сўз қадр-қиммати беқийс, у денгиздаги дурдона каби, жон мисол рўҳдан озикланиб, кўнгли ха...

Ажаб файласуфлари демиллар: «Сўзи мей-бўри билан сўзлаган, ҳаёт қадрини тушушган, бутун куч ва қудратини илму қамолотга йўналтирган киши ақли кишидир...»

Шу ўринда «Маҳзан ал-улум» китобидан сўзлаш одоби хусусидаги бағоят мароқли на...


муналарни келтирсак, мақсадимизга етмоқлик баайни зинапойдай кўринур, наздимизда: «Сўзи кам ишлатилган, чунки лақмалик тентаклик нионаларидан биридир...»

Ҳа, сўз сўзлаш шунчаки лабларни очиб-ёпиб, тил учидан товушларни улқотириб ташлаш дегани эмас. У ҳақиқий инсонийлик санъатларидан бири...

«Тил югурги бошга, қўл югурги ошга», дейди кексаларимиз. Инчунин, бунди хар биримиз ўзимизга рия унун қабул қилиб олсак, зинҳор ютказмаймиз. Қолаверса, бу сўзлаш қондалари...

«Тил югурги бошга, қўл югурги ошга», дейди кексаларимиз. Инчунин, бунди хар биримиз ўзимизга рия унун қабул қилиб олсак, зинҳор ютказмаймиз. Қолаверса, бу сўзлаш қондалари...

Абдували ҚУТБИДДИНОВ тейёрланди.



ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР – ЗАМОНАВИЙ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлатимиз томонидан катта миқдорда маблағ ажратилаяпти.

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона мажмуи Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди...

Саломатлик

СУРАТДА: (чапдан) туғуруқхона мажмуаси дояси Шохиста Собирова, чақалоқлар шифокори Матлуба Тўрабоева, катта ҳамшира Заммира Алимова ва Гуллола Акбаровалар чақалоқни тиббий кўриқдан ўтказмоқдалар.

Мўқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Талабалар учун имтиёз

Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, айни пайтда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг биринчи босқичида таҳсил олаётган Азизжон Ражабовга 2008-2009 ўқув йили учун шартнома пулининг 35 фоизи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўланади.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берилётган имтиёзлар тизимини янада та-

Яхши хабар

комиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва унинг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган фестивалда Азизжон каби армия хизматиде бўлиб, ҳозир олий ўқув юрларида таҳсил олаётган 213 нафар талабага шартнома тўлов тавсияномалари топширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

Ҳуқуқий маданиятни оширишга бағишланди

«Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» кўрик-танлови ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ижодкорлар ва ҳуқуқшунослар иштироклада матбуот анжумани ўтказилди.

Ш. БОЙМУРОВА.

Ўқиш ёш танламайди

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси Германиядаги ҳаққ университетлари марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган семинар андрогогика асосларини ўрганишга бағишланди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАШАБУСУГА УНДАЁТГАН МЕҲРИБОНЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда ривожланиш сари дадил қадамлар ташланаётганлигини кузатиш мумкин. Бунга, албатта, бир қатор йирик саноат корхоналари, бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти аъзолари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мазкур ташкилот нодавлат жамоат бирлашмаси бўлиб, ўз атрофида 190 та туман, шаҳар ташкилотларидаги 33 миң нафар аъзони бирлаштирган. Унинг асосий вазифаси кўзи оғизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, реабилитация қилиш, ижтимоий интеграциялаш ва уларнинг турмуш тарзларида тенг ҳуқуқли имкониятлар яратиб беришдан иборат. Шу билан бирга, ногиронларни тиббий, касбий, таълим олиш, маданият, спорт ва меҳнатга жалб этиш сингари вазифаларни бажариш ҳам айнан шу жамият зиммасига юклатилгандир.

Утган йили ЎзКОЖ Марказий бошқаруви томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли тизим таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот

ишлаб чиқариш кўрсаткичи белгиланган режага нисбатан бирмунча ортганлиги кузатилди. Хусусан, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳамда Ғиждувон туманидаги корхоналарда, «Тошкент Чўтка» ва «Жавлон-пласт» корхоналарида қўллаб тўшақ, одеял, бўз, газлама, шунингдек, пахта ни қайта ишлаш корхоналарида 2500 донга тўшақ, 280 миң погон метр газлама ишлаб чиқарилди. Ушбу корхоналарда жами 5 миң миллирд 892 миллион 670 миң сўмлик ўрнги, 8 миллирд 169 миллион 606 миң сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, савдога чиқарилди. Бу режага нисбатан 138,6 фоиз кўп, демакдир. Шу билан бирга, 2008 йилда Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида жамиятнинг ишлаб чиқариш кор-

хонаси ҳудудида кўзи оғизларга хизмат кўрсатувчи маданий-маърифий, маиший иншоотлар комплекси ишга туширилди.

Интилиш

Қарши шаҳрида ҳукуматимиз томонидан кўзи оғизлар учун 3 қаватли замонавий ишлаб чиқариш комбинати куриб битказилди. Ҳозирги пайтда барча маданий-маиший муассасаларни мужассамлаштирган бу комбинат лойиҳа ишлаб чиқариш қувватига эришиш учун интиломоқда.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ЎзКОЖ Марказий бошқаруви жамият аъзоларини биргина касбга йўналтириш, уларга етарли меҳнат шароити яратиш билан чекланиб қолгани йўқ. Балки улар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар

ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йилларда қўллаб спорт мусобақалари, халқаро семинар-тренинглар, кўрик-танловлар, ўқув семинарлари, адабий кечалар, китобхонлик анжуманлари ва концерт тадбирлари ташкил қилинди. Ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг ишлаб чиқариш билан бевосита уйғунлашган ҳолда олиб борилиши эса жамоада бир-бирига нисбатан янада яқинлик, жипслик муносабатларини ўрнатишга, меҳнатда эса юқори натижаларга эришишга пухта замин яратмоқда.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятида ютуқлар билан биргаликда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар ҳам талайгина. Буларнинг барчаси аҳил жамоанинг товулиги, жипслиги туфайли босқичма-босқич ҳал этиб борилаётир.

У. УСМОНОВ.

Спорт • Sport • Спорт

ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича яхлит тизим яратилганини алоҳида таъкидлади. Буни Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоят ҳокими О. Оллаберганов бошқарган йиғилишида 2008 йилда вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, ечимини кўтаётган муаммолар атрофида таҳлил қилинди. Бу борадаги муҳим вазифаларнинг бажарилиши муҳокама этилди.

Вилоятда бугунги кунда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси ва хомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан барпо этилган 57 спорт иншооти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур иншоотларнинг қарийб 87 фоизи қишлоқ жойларида қурилгани эътиборга молик. Шунингдек, 2008 йилда вилоятда 15 умумтаълим мактабининг спорт зали қайта реконструкция қилинди. Янгибозор туманида замонавий спорт мажмуаси қад ростлади. Урганч тумани ҳамда Урганч шаҳридаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда спорт майдончалари қурилди. Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси томонидан спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда ёғи дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларини спорт анжуманлари билан таъминлаш учун 10 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Барча қўлайликларга эга спорт иншоотларининг бунёд этилаётгани ўғил-қизларимизни спортга жалб этиш имконини кенгайтирмоқда. Хоразмлик ёшлар республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. 2008 йилда мактаб ўқувчиларидан таркиб топган вилоят спортчилари халқаро мусобақалар ва турнирларда йигирмата олтин, олтига кумуш ва ўн та бронза медалини қўлга киритди.

Сўнгги йилларда вилоятда бадий гимнастика, трамплин, эшак эшиш, чим устида хоккей, таэквандо сингари спорт турлари бўйича секциялар сони кўпаймоқда. Ушбу спорт турларини ривожлантириш бўйича тажрибали мураббийлар иш олиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда бадий гимнастика бўйича 47 секцияда 700 га яқин қиз шугулланмоқда.

Хонқа туманидаги Сарапоён кишлоғидаги спорт мажмуасида 346 ўғил-қиз спортнинг сақиб тури бўйича маҳоратини оширмоқда. Уларнинг 103 нафарини қизлар ташкил этади. Бу ерда ўтказилган мониторинг натижалари сўнгги тўрт йилда спортга қизиқиш кучли ўсмир ёшларнинг сони 2,5 баробарга кўпайганини кўрсатди. Шунга мувофиқ, қишлоқ ёшлари ўрғинада турли касалликларга чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада қамалди.

Йиғилишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам рўй-роқ гапирилди. Хусусан, вилоят бўйича маҳоратни ошириш спорт залига эга эмас. Белгиланган нормативларга мувофиқ ҳар бир спорт залида камида 35 спорт анжуми бўлиши зарур. Бирок айрим мактабларда спорт анжуманлари эътиборсизлик билан қаралмоқда. Урганч туманидаги 10-, Ҳазорат туманидаги 3-, Шовот туманидаги 48-, Хонқа туманидаги 33-, Богот туманидаги 9-, Янгиарқ туманидаги 1-мактабларда катта маблағ эвазига келтирилган спорт жиҳозларидан ханузгача самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.

Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган аънавий халқаро турнир қизгин паллага кирди.

Рустамнинг навбатдаги ғалабаси

Аввал хабар берганимиздек, турнирнинг «В» гуруҳида халқаро гроссмейстер, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов юртимиз шарафини ҳимоя қилимоқда. Рустам ўзини турда испаниялик тажрибали шахматчи Франсиско Вальехога қарши донга суриб, ғалаба қозонди.

Ҳозирча гуруҳда англиялик Нейжел Шорт 6,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов, Давид Навара (Чехия), Фабиано Каруана (Италия), Андрей Волонкин (Украина), Александр Мотилев (Россия) эса 6 тадан очко жамгарганлар.

Шартномани узайтирди

«Бунёдкор»нинг чилилик легионери Хосе Луис Вильянуэва амалдаги чемпион билан тузилган шартномасини 2009 йилнинг охиригача узайтирди. Бу ҳақда жамоанинг расмий сайти хабар тарқатди.

Маълумки, 27 ёшли ҳужумчи 2008 йилнинг 8 июлидан буён «Бунёдкор» таркибиде тўп сурмоқда. У шу қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон чемпиони ва кубогани соҳибига ҳақ шарафини номга сазовор бўлди. Жами 19 учрашувда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 14 та тўп киритди.

З. ЖОНИБЕКОВ тейёрланди.

Аълочи, саришта, голиба

Яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Шарқ яққакуралари ва жанг санъати республика маркази томонидан ташкил этилган «Малика Тўмарис — 2009» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда 7 нафар номзод ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Иштирокчи спортчи қизлар оилада, уйда, ўқишда барчага ўрнат бўлишлари кераклигини амалда намойиш этдилар.

Яқинда аънавий каратэ-до бўйича халқаро мусобақалар голиби, Самарқанд туманидаги Гулобод ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Ситора Шойдуллаева «Малика Тўмарис» совринини қўлга киритди.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.



«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 февраль, сешанба кун чикади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Ўзловлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғанов ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 23.10

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — О. Файзиев. Мусавҳах — Х. Тошқужаев.